

“Тасдиқлайман”

Андижон вилояти ҳокимлигининг
“Ягона буюртмачи хизмати”
инжиниринг компанияси

директори

Б.Абдурахимов

2022 йил



ТЕХНИК ТОПШИРИК

Корадарёниг Хонобод шахри "Тейт" ва ""Кампироввот" МФЙ (ПК-24-00дан ПК-53-00гача) чап, "Юксалиш" МФЙ (ПК-91+20дан ПК-98+20гача) ўнг қирғоқ худудидан оқиб ўтувчи химоя дамбаларини мустахкамлаш учун лойиха-смета хужжатлари тайёрлаш

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объектнинг номи	Корадарёниг Хонобод шахри "Тейт" ва ""Кампироввот" МФЙ (ПК-24-00дан ПК-53-00гача) чап, "Юксалиш" МФЙ (ПК-91+20дан ПК-98+20гача) ўнг қирғоқ худудидан оқиб ўтувчи химоя дамбаларини мустахкамлаш учун лойиха-смета хужжатлари тайёрлаш
2	Объектни жойлашуви	Хонобод шахр
3	Лойихалаш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сон қарори
4	Буюртмачи	Андижон вилоят ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси
5	Буюртмачи манзили	Андижон шаҳар А.Навоий шоҳ кўчаси 45-үй
6	Иштирокчилар учун талаблар	Корадарёниг Хонобод шахри "Тейт" ва ""Кампироввот" МФЙ (ПК-24-00дан ПК-53-00гача) чап, "Юксалиш" МФЙ (ПК-91+20дан ПК-98+20гача) ўнг қирғоқ худудидан оқиб ўтувчи химоя дамбаларини мустахкамлаш учун лойиха-смета хужжатлари тайёрлаш
7	Харид режа жадвали	2022 йил 1-2 квартал
8	Танллов ўтказиш ойи	Феврал-март
9	Танловнинг энг юқори қиймати (ҚҚС) билан	109 200 000,00
10	Молиялаштириш манбаи	Бюджет ҳисобидан
11	Товар ва хизматлар етказиб бериш манзили шакли	Андижон шаҳар А.Навоий шоҳ кўчаси 45-үй
12	Товар хизматлари бажариш муддати	30 кун

13	Таклифларни тақдим қилиш тартиби ва шакли	Ўзбекистон Республикаси қонунида кўрсатилган тартибга асосан
14	Таклифларни тақдим қилиш муддати	5 кун

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Андижон вилоят ҳокимлигининг
“Ягона буортмачи хизмати”
Инжиниринг компанияси
директори



Б.Абдурахимов

Андижон вилояті Корадарёнинг Хонобод шаҳри "Тейт" ва
""Кампироввот" МФЙ (ПК-24-00дан ПК-53-00гача) чап, "Юксалиш"
МФЙ (ПК-91+20дан ПК-98+20гача) ўнг қирғоқ худудидан окиб ўтувчи
химоя дамбаларини мустахкамлаш обьектига лойиха-смета
хужжатларини тайёрлаш бўйича лойиҳа ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Андижон шаҳар- 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўрикнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Корадарёнинг Хонобод шахри "Тейт" ва ""Кампироввот" МФЙ (ПК-24-00дан ПК-53-00гача) чап, "Юксалиш" МФЙ (ПК-91+20дан ПК-98+20гача) ўнг қирғок худудидан оқиб ўтувчи химоя дамбаларини мустахкамлаш учун лойиха-смета хужжатларини тайёrlаш.

1.2. Танловнинг юкори қиймати ҚҚС билан 109 200 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул килинмайди ва кўриб чиқилмайди. Тўловлар учун боскичда амалага оширилади.

1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Голиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график буйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Андижон вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади. “Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Андижон вилоят Андижон шахар Навоий 45 уй. Эл.адрес: andijonokc@mail.ru

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар қуйилади:

- ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқукий лаёкат ва ваколатлар;
- танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- ўз кучлари билан илгари бажарилған иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);
- Лицензия, гувохнома

-Иш стажи 3 йиллик олий маълумотли қурилиш мутахассислига эга мажбурий раҳбардан 1 киши мавжудлиги, 5 йиллик иш стажи эга инженер-техник ходимлар, доимий ишловчи 10 та малакали ишчилар мавжудлиги.

- Иштирокчи лойиха ташкилотининг молиявий ахволи.

- Лойиха ишларини бажариш учун 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситалари (орг.техника) мавжудлиги Низом маблаги миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдикланган холда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдикланган холда тақдим этишлари лозим.

4.3. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади: Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);
- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши ва илова килиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳакқонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқукига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул килиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул килишга ҳакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳакли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда

жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмуммоҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

Мси. Ҳашимов Р.